

“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари
қурилиши бўйича инжиниринг
компанияси” УК Фарғона вилоят худудий
бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022- йил 26-Октябр кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022-йил 25-октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Риштон тумани Дашт пандигон МФЙ худудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши тавсия этилади.

Ичимлик сув бўйича

Риштон тумани Дашт пандигон МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи $__ \text{ м}^3$ ҳисобланиб, улаиш нуқтаси. Дашт пандигон МФЙ худудида 2 дона тик ичимлик сув кудуги қазилш , 2 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиҳа қувватидан келиб чиқиб 2 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва UZSUVTAMINOT логотипи тушуриш, 2 дона шит каскад ўрнатиш ҳамда лойиҳа ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 15.4 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Риштон туман филиали раҳбари



Ж.Собиров

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Риштон туман филиали МЧЖ муҳандиси

И.Мамадалиев